

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

№ 80—81.
(2500—2501).

1992 йил
26 АВГУСТ
ЧОРШАНБА


НАРХИ 4 СЎМ.

1 СЕНТЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ

ОСОЙИШТАЛИК— МУСТАҚИЛЛИК БЕЛГИСИ

Ўзбекистон аҳли интизор кутган кун — республика-
миз мустақиллигининг бир йиллиги нишонланадиган са-
нага атиги тўрт кун қолди. Кутлуг айёми республика-
миз меҳнаткашлари қатори осойишталик посбонлари ҳам
кўтаринки руҳ билан қаршилашмоқда. Шу муносабат
билан «Постда» — «На посту» газеталарининг мухбири
Муроджон ТИЛЛАЕВ Ўзбекистон Республикаси Прези-
дент маҳкамаси маслаҳат кенгашининг аъзоси, Ўзбекистон
Республикаси Ички ишлар вазирлиги, ички хизмат генерал-
лейтенанти Зокиржон АЛМАТОВга бир неча саволлар
билан мурожаат қилди.

Қуйида эътиборингизга ана шу мулоқотни ҳавола қи-
ламиз.



МУХБИР: — Зокиржон
Алматович, Ўзбекистон дав-
лат мустақиллигига эришгач,
жаҳон ҳамжамиятида муно-
сиб ўрни эгаллашга интилиб,
халқаро алоқаларни фаол
ривожлантира бошлади. Бу
республика Ички ишлар
идораларига қандай таъсир
қилди?

З. АЛМАТОВ: — Энг ав-
вало, республика мустақил-
лигининг тан олинishi, бош-
қа давлатлар билан халқаро
ҳамкорлик қилиш ривож-
лантириш, сиёсий, иқтисод-
ий, маданий алоқалар ўр-
натиш ва уларни мустақам-
лашга сабаб бўлди. Шунинг
алоҳида қайд этиш керакки,
Ўзбекистоннинг имкониятла-
ри яқин ва узоқдаги чет эл
мамлакатлари вакиллари
нафақат яхши ниятлар, бал-
ки жинсий мақсадлар нуқ-
таи назаридан ҳам қизиқиш-
лади. Хусусан, тижорат жа-
раёнларининг «марказ»дан
республикага ўтказилиши,
чет эл мамлакатларига чи-
қиш ва у ердан келиш тар-
тибининг юмшатилиши бу

соҳага қабил ниятда бўлган
маълум миқдордаги шах-
сларни ҳам жалб этди.

Ташқи иқтисодий алоқа-
ларнинг кенгайishi яширин
иқтисодиётнинг маҳаллий
устомонларига халқаро жи-
ноят бизнесига тўғридан-
тўғри чиқиш учун қулай
шарт-шароит яратди. Рес-
публика корхоналарини но-
қонуний экспорт-импорт ба-
лашувларига тортиш, хом-
ашё ва валюта захиралари
билан жинояткорона ҳийла-
ларга жалб этиш, қатъий
ўлчаб бериладиган ва стра-
тегик материалларни хориж-
га олиб чиқишга уриниш-
лар кузатилмоқда. Хорижлик
жиноий тузилмаларда рес-
публика ҳудудидан гиёҳванд-
лик моддалар, қурол ва
бошқа контрабанда моллари-
ни бошқа жойларга олиб
ўтиш ҳамда Ўзбекистоннинг
ўзига келтиришдан фойдала-
нишга қизиқиш ортиб бор-
моқда.

Бу ички ишлар идорала-
(Давоми 2-3-бетларда).

ЧЕКЛАНИШЛАР ОЛИБ ТАШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси
мустақилликка эришган кун-
нинг бир йиллиги нишонла-
надиган сана тобора яқин-
лашмоқда. Табиийки, бундай
қисқа фурсат мобайнида ҳу-
қуқ-тартибот идоралари фао-
лияти билан боғлиқ кўплаб
муаммоларни ижобий ҳал
этиш мумкин эмас. Устига-
устак ҳозиргача «Милиция
тўғрисида қонун» ҳам қа-
бул қилинмади. Шу боис
ҳамон собиқ Иттифоқ вазир-
лиги томонидан чиқарилган
буйруқ ва кўрсатмаларга
асосланиб иш олиб бориляп-
ти. Айни пайтда мазкур
ҳужжатларда минтақалар-
нинг ўзига хос томонлари
эътиборга олинмаганлиги
жиддий қийинчиликлар туғ-
дирмоқда.

Битта мисол: вилоятлар
марказида хизмат қилаётган
ларни эътиборга олмаганда,
участка вакиллари учун мах-
сус унвоннинг энг юқори
даражаси «катта лейтенант»,
катта участка вакили учун
«капитан» эди. Мабоодо ўша
вакил олий маълумотли бўл-
сагина, унвони бир даража
кўтарилиши мумкин эди.

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлигининг шу
йил 5 августдаги фармо-
йиши билан бу тартибга бар-
ҳам берилди. Энди вақти
келганда участка вакили
маълумоти, хизмат жойи,

шаҳар ёки район категория-
ларидан қатъий назар нав-
батдаги «милиция капитани»
унвонини, катта участка ва-
кили эса «милиция майори»
унвонини олиши мумкин.

Бу ўзгариш участка ва-
киллари фаолиятини янада
юқори савияга кўтарилиши-
га туртки бўлади, деб умид
қилиш мумкин.

Яна кейинги пайтларда ва-
зирлик бўйича барча хизмат-
лар ишини яхшилаш мақса-
дида кўпгина тадбирларга
қўл урилганини айтиб ўтиш
керак. Жумладан, ҳуқуқбу-
зарликнинг олдини олиш
бошқармаси ташаббуси би-
лан профилактик ишлар
ҳамда қонунбузарликка мо-
йил шахслар тўғрисида маъ-
лумотлар киритиладиган
ҳужжатбозликка чек қўйил-
ди. Унинг ўрнига ихчам ва
кулай карточкалар жорий
этилди. Собиқ СССР ИИБ
буйруғига асосан қўлланиб
келинаётган иш лафтери ўр-
нига «Маълумотий участка
паспорти» татбиқ этилди. Бу
паспортда муайян участка-
даги оператив вазият ҳамда
ўзоқ муддат тартиббузарлик
билан шуғулланиб келган
шахсларга оид маълумотлар
ўз ифодасини топган.

Худди шунингдек, мили-
ция участка вакили фаоли-
тига тааллуқли йўриқнома
ҳам тайёрланди. У ўз ичига

«Хизмат кўрсатган милиция
участка назоратчилари тўғ-
рисида»ги қондан тортиб
турли-туман буйруқлару бу
фаолиятнинг бошқа кўпгина
жиҳатларини қамраб олган.

«Милиция участка вакили
қўлланилиши» ҳам битай деб
қолди. Унда тез-тез амалда
қўлланиладиган процессуал
ҳужжатлар, шунингдек кун-
далик ишда асқотадиган
норматив актлар намуналари
жамланади.

Кези келганда таъкидлаш
жонзки, шаҳар ва район ич-
ки ишлар бўлиmlари бош-
лиқлари участка вакили фао-
лиятига жиддий эътибор
беришлари зарур. Шундаги-
на юқоридagi бошламалар
қўтилган натижани бериши
мумкин.

Агар фикримизни янада
ойдинлаштирадиган бўлсак,
участка вакиллари вақтла-
рини асосан иш жойлари-
да — бириктирилган ҳудуд-
да ўтказсинлар, ҳисобда тур-
ган кимсаларнинг юриш-ту-
ришидан мунтазам хабардор
бўлсинлар, ўз имкониятлари-
ни солиқ этилиши мумкин
жиноятларнинг олдини олиш-
га сафарбар этсинлар.

К. НАЗАРОВ,
ИИБ ҳуқуқбузарлигининг
олдини олиш бошқармаси
бошлиғи, милиция полков-
ниги.

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

ПАДАРКУШ

Марғилон шаҳрининг Наврўз кўчасида яшовчи, 1936
йилда туғилган, «Атлас» ишлаб чиқариш корхонаси иш-
чиси А. Аҳмедов ҳалок бўлди. Суд-тиббийот кўригининг
хулосасига қараганда ўлим ички аъзодарининг қаттиқ
шикастланиши, кўкрак қафаси, елка суягининг синиши,
мияга қон қуйилиши натижасида рўй берган.

Бу жароҳатлар унга муқаддам судланган, ҳеч қаерда
ишламайдиган ўғли томонидан етказилгани маълум
бўлди.

ЎЗАРО ЖАНЖАЛ

Марғилон шаҳар касалхонасига пичоқ билан биқини-
дан жароҳат олган Ҳамидулла Жўрабоевни олиб келиш-
ди. Милициянинг ҳатти-ҳаракати билан воқеа тафсилоти
аниқланди. Унга жароҳатни ўзаро жанжаллашши оқиба-
тида Эркин Исмоилов етказган экан.

Тергов олиб борилмоқда.

МАРҲУМ, КИМУ, ҚОҒИЛ КИМ?

Охунбобоев районидagi Эшонгузар сув тақсимлаш ин-
шоотида ёши 30-35 лардаги эркак кишининг жасади то-
пилди. Бўйида пичоқдан олинган жароҳат излари бор.

НАФАҚАХЎРНИ «ШИЛИБ» КЕТИШДИ

Қирғули районидagi яшовчи нафақахўр Домарчаева
Л. В. нинг уйида ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, но-
маълум шахслар эшикни бузиб киришди ва 27 минг
сўмлик мол-мулкни ўғирлаб кетишди.

Терговчи Маткаримов бошлиқ изқуварлар гуруҳи бу
ишни охирига етказишмоқчи.

ЎЗОҚҚА КЕТМАДИ

Қўқон шаҳридаги Фурқат кўчасида жойлашган нон
комбинати рўпарасида Оқтепа қишлоғида яшовчи уй бе-
каси З. Умарова газмол сотиб ўтирган эди. Шу яқин
ўртада юрган З. Н. унинг 10 метр газмолни ўғирла-
моқчи бўлди. Аммо милициядан қочиб қутулолмади.

ГУЛ БАРГИ ХАЗОН БЎЛДИ

Учкуприк райони Юлгузор қишлоғида яшовчи Улу-
бек Жўраев «ГАЗ-53» белгили машинасини Ангелс кў-
часи бўйлаб бошқариб кетаётганда, 19-уйнинг олдида
5-синф ўқувчиси Шокир Матқосимов велосипедида чиқиб
қолди... Бола воқеа жойида ҳалок бўлди.

БОЛТА БИЛАН

Фарғона районининг Дандўл қишлоғида яшовчи Ғиё-
сиддин 1962 йилда туғилган Қодирнинг бўйига болта
билан уриб, оғир тан жароҳати етказди.

МАШМАША

Охунбобоев район ички ишлар бўлими участка вакили
милиция майори Иброҳим Абдумухторов ўз хизмат ҳу-
дудида яшовчи Халилни одобга чақирмоқчи бўлди. Нати-
жада безори унга тан жароҳати, машинасига эса моддий
зарар етказди.

Тергов кетаяпти.

Муҳаммадрасул КИМСАНБОЕВ,
милиция майори.

БУГУНГИ СОНДА

2-БЕТ.

1 сентябрь — ЎЗБЕКИС-
ТОН РЕСПУБЛИКАСИ мус-
тақиллиги кун.

4-БЕТ

Баъзан жиноятларнинг
келиб чиқиш сабаблари ҳа-
қида ўйлаб қоласан, киши.
Хўш, унинг илдизи қаерда
ўзи?

5-БЕТ

Турмуш сабоқлари.

6-БЕТ

ГОНКОНГДАН ЖУНА-
ТИЛГАН ТОВАТ.

Жеймс Хэдди Чейз.

7-БЕТ

Гурур, қувонч ва қайғу.

8-БЕТ

Ё, алҳазар!...

1 сентябрь — Ўзбекистон Республикаси. Мустақиллиги кун

ОСОЙИШТАЛИК — МУСТАҚИЛЛИК БЕЛГИСИ

(Боши 1-бетда).

ридан мазкур соҳада жиноий ҳолатларга қарши иш қўламини кенгайтиришни, республикада «яширин» экспорт-импорт тизими ташкил этилишига йўл қўймасликни талаб этади. Бизнинг олдимизга ноқонуний фаолиятлар ҳисобига катта миқдорда пул тўплаган ва ҳорижий шериклар билан тузилган ҳам-корликдаги корхоналар ҳамда чет эл банклари орқали бу маблағларни қонунлаштиришга ҳаракат қилаётган «яширин» бизнес вакиллари ҳатти-ҳаракатларининг олдини олиш вазифаси қўйилган.

Шу мақсадда республика Ички ишлар вазирлиги Туркия, Осиёнинг бошқа минтақаларидаги ва Оврупо давлатлари билан расмий вакиллар даражасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатди, жиноятларнинг олдини олиш ва очиб юзасидан ўзаро ахборот айирбошлаш ҳамда биргаликда тадбирлар ўтказиш бўйича ҳамкорлик қилиш жараёни йўлга қўйилмоқда.

М. — Яқинда матбуотда республика жиноят-процессуал мажмуасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги ҳақида қонун эълон қилинди. Булар ички ишлар идоралари фаолиятида қандай роль ўйнайди?

З. А. — Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигига кейинги пайтларда анча ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тез-тез бўлиб бормоқда. Чунки, мавжуд қонунлар кўп жиҳатдан эскириб қолган ва амалий ишга самарали таъсир кўрсата олмапти.

Қонунлардаги мавжуд кемтиклар жиноятчиликда бўлиб бериш сифат ўзгаришларини ҳисобга олмайди ва унга қарши кураш натижаларини пасайтиради. Шунинг учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятининг бутун ҳуқуқий асосларини тубдан янгилаш зарурати кескин кўндаланг бўлиб турибди. Шу мақсадда Ички ишлар вазирлиги қошида махсус комиссия тузилган бўлиб, у қонунга ва идоравий норматив ҳужжатларга ўзгартишлар бўйича таклифларни тайёрлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси жиноий-процессуал мажмуасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 1992 йил 3 июлдаги қарори вазиятни яхшилашга маълум даражада имкон яратди. Бу ўзгартиш ва қўшимчалар энг аввало муайян шарт-шароитлар тўғрисида жиноий иш кўриш жараёни иштирокчилари бўлиб қолган фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланишини мустақамлашга қаратилганлиги.

Ушбу қарорга кўра, бундан буён гувоҳ ёки ишда қатнашаётган бошқа шахсларга, шунингдек, уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндош-уруғларига раъи-қонуний ҳатти-ҳаракатлар билан таҳдид қилинаётган, дейиш учун етарли маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда суриштирув идораси, терговчи, суд, прокурорнинг розилиги билан милиция идораларига юқоридаги шахсларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, кадр-қиммати ва мол-мулки муҳофаза қилинишини таъминловчи барча чора-тадбирларни кўриш ҳусусида ёзма равишда топишириқ берилади.

М. — Ҳозир республикада оператив вазият, жиноятчиликнинг аҳоли қандай?

З. А. — Республика ўз бошидан кечираётган мураккаб ва зиддиятли жараёнлар жиноятчилик аҳоли ва унга қарши кураш натижаларига бевосита таъсир этмоқда. Шу муносабат билан энг аввало қўйидагиларни таъкидлаб ўтмоқчи эдим: ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги салбий кўринишларни тўхтатиб туришда республика Президенти ва ҳукуматининг ижтимоий-сиёсий кучларни жипслаштириш ҳамда жамиятдаги ижтимоий кескинликни юмшатишга қаратилган изчил ва амалий сиёсатлари катта роль ўйнамоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг тинчлик, осойишталикнинг барқарорлигини таъминлаш, эҳтирослар жунбушга келишига йўл қўймаслик борасида қарор қабул қилган ўзини-ўзини сессияси бунга ёрдам берди. Бутун республика кўламини ўтказиётган умумий сиёсий, ижтимоий ва ахлоқ-одоб-ахлоқий соҳалардаги ўзгаришлар қонунбузарликлар ва бошқа салбий кўринишларга қарши курашга жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Юқорида тилга олинган тадбирлар ички ишлар идораларининг саъй-ҳаракатлари билан бирга жиноятчилик таркиби ва тарзида маълум даражада ижобий ўзгаришлар бўлиб беришга сабаб бўлмоқда. Кўча-кўйлар ва бошқа жамоат жойларида содир қилинадиган жиноятлар сони йил давомида қисқариб бормоқда. Илгари судланган, маст ҳолатда жиноий ҳатти-ҳаракатларга йўл қўйган шахслар миқдори камаймоқда. Оғир тан жароҳати етказиш, номусга тегиш, босқинчилик, жиноий жавобгарликка тортилиш мумкин бўлган безориликлар каби ҳолатлар сони камайганлиги катта аҳамиятга эга. Умуман олганда шахсга нисбатан қилинган жиноятлар миқдори 10,1 фоиздан 8 фоизга қисқарди.

Йўл-транспорт ҳодисалари, шу жумладан улар оқибатида жароҳат олган ва ҳалок бўлганлар сони камайди. Ёнғинлар миқдорини пастлатиш ва аҳоли яшайдиган жойларда ҳамда турли-туман биноларда бир мунча ёнғиннинг олдини олишга эришилди.

Аммо, умуман олганда оператив вазият мураккаблигича қолмоқда. Бу, энг аввало жиноий ишларнинг барча турлари мавжудлигида намоён бўлмоқда. Фақат шу йилнинг ўтган 7 ойи мобайнидаёқ 55 мингдан зиёд жиноят рўйхатга олинди, уларнинг 22 мингдан ортиғи жиноят-қидирув соҳасига тааллуқлидир. Валогатга етмаганлар орасида жиноятга қўл уриш кўпайиб бормоқда, уларнинг кўплари гуруҳлар таркибида амалга оширилмоқда. Шафқатсизлик билан қилинган ғаразли ва зўравонлик йўналишидаги жиноятлар тобора етакчи ўрин эгалламоқда.

Оператив вазиятни ифодаловчи жиноятчиликка қарши кураш натижалари статистика маълумотларини биз сир сақламаймиз, уларни оммавий ахборот воситалари ёрдамида мунтазам эълон қилишимиз.

М. — Мамлакатимизда зўравонлик билан катта миқдорда пул ундириш (рэкет) кун сайин ўсиб бораётгандай. Айтинг-чи, ички ишлар идораларида унга қарши

қандай кураш олиб борилмоқда?

З. А. — Мамлакатимизда зўравонлик йўли билан пул ундириш (рэкет) уюшган жиноятчиликнинг ёрқин тимсоли сифатида, адашмасам, 1985 йиллар охирида маълум бўлди. Катта ҳажмдаги ўлжани қўлга киритишга интиладиган рэкет (қароқчилик) деса ҳам бўлаверади) сўнгги йилларда ширқат ва яқна тартибдаги меҳнат фаолияти томон ўтиб кетди. Фирибгарлар одатда жисмоний куч ишлатиш, турли қуроллардан фойдаланиш орқали мақсадга эришадилар. Бундай ҳолларда кўпинча жабрланувчилар миллионияга хабар қилишмайди. Ваҳоланки, жиноий фаолият жамоатчиликнинг фаол иштироки, айниқса жабрланувчиларнинг кўмаги билангина тўсилиши мумкин.

«Рэкет» инглизча сўз бўлиб, унинг том маъноси товланмачилик, ифвогарлик, одамларга тан жароҳати етказиш, ўғирлаш йўли билан пул ундиришни билдиради. Бундай жиноят дастлаб Америка Қўшма Штатлари ҳудудида кенг тарқалган ва бундай шахсларни америкаликлар «гангстерлар» деб аташган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги маҳкамалари бу оғир жиноятга қарши катта ишларни амалга ошираётдилар. Ички ишлар ходимлари ҳар бир фуқаронинг аризасини ўз вақтида кўриб чиқиб, тегишли чора-тадбирлар белгилашпти.

Ўтган йили Ўзбекистон республикаси ҳудудидаги рэкетчи гуруҳлардан бир нечаси қўлга олинди ҳамда жиноий жавобгарликка тортилди.

Масалан, жиноят-қидирув уюшган жиноятчиликка, коррупцияга қарши курашиш Бош бошқармаси ва Навоий вилояти ҳокимлиги ички ишлар бошқармаси ходимлари ўзаро ҳамкорликда Қутаиси шаҳридан келиб, мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида ҳамда собиқ СССР ҳудудларида босқинчилик, талончилик билан шуғулланган, 1957 йилда Қутаисида туғилган, ҳеч қачонда ишламайдиган Михаил Надарович Борабадзе бошчилигидаги жиноий гуруҳни қўлга олишди (гуруҳ жамаи 7 кишидан иборат). Айни пайтда улар жиноий жавобгарликка тортилди. Улардан бир миллион сўмдан зиёд далилий ашёлар олинди ва давлат ҳисобига мусодара қилинди.

Шунингдек, жиноят-қидирув уюшган жиноятчилик ва коррупция билан кураш Бош бошқармаси ходимлари Фарғона вилояти ички ишлар бошқармасининг жиноят-қидирув бўлими вакиллари билан бирга ўтказган тезкор қидирув ишлари натижасида муқаддам судланган И. Аҳмад бошчилигидаги 6 кишидан иборат гуруҳни зарарсизлантиришди. Ҳозирги пайтда мазкур гуруҳ устидан жиноий иш қўзғатилди. Улар асосан босқинчилик, талончиликда айбланишарди.

Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан тезкорлик қидирув ишлари олиб борилиб, муқаддам судланган, жиноятчилар орасида танилган, 1962 йилда туғилган У. Рустам ушланди. Бу шахс ўз атрофида 42 кишини тўплаб ҳеч қачонда ишламайдиган «рэкет» билан шуғулланиб келган.

У. Рустам бошчилигидаги

бу гуруҳ 1992 йилнинг 31 июль кунини куч ишлатиш йўли билан Қўрғонтепадаги районлараро база ходими М. Раҳмоновдан бир тонна кир ювиш совунини тортиб олган. Унинг аъзоси Р. Қўрбоновнинг уйида ўтказилган тинтув пайтида 20 тонна пахта ёғи топилди.

Бундай жиноятчиларга қарши курашишга миллий хавфсизлик хизмати, суд, прокуратура ҳамда бошқа ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимлари ҳам жалб қилинган.

«Мафия» сўзи италянча бўлиб, яширинча терроризм билан шуғулланувчи, бир мамлакатдан бошқа мамлакатга контрабанда йўли билан наркотик моддаларни етказиб бериш, бошқа мамлакатлардаги уюшган жиноий гуруҳлар билан яқин алоқа ўрнатиб, ифвогарлик, одам ўлдириш билан шуғулланувчи махфий ташкилот деган маънони англатади.

Жамиятнинг турли соҳаларида зиддиятларнинг кескинлашуви, ахлоқий тубанлашув, қонунчиликнинг мукаммал эмаслиги ва уни ҳаётга тадбиқ этишдаги жиддий пала-партишликлар таъсирида жиноятчиликнинг тез ва турли шаклларда ривожланиши хавфи кўринишдаги уюшган жиноятчиликни келтириб чиқарди.

Ўзбекистон республикаси Ички ишлар вазирлиги айни пайтда маҳаллий мафиянинг бир қисми бўлмиш — уюшган жиноятчилик гуруҳларига нисбатан кескин кураш чораларини кўряпти. Омма ичида ўзига «Мен қонуний ўғри», «Хал қилувчи», «Оброули ва танилган» деб ном берадиган баъзи шахслар аниқланиб, алоҳида назоратга олинган. Бундай шахсларнинг келиб чиқишини ўрганиш режалари тузилган ва зарур ишлар олиб борилмоқда.

Яқинда Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг тезкор ходимлари ана шундай шахслардан тузилган гуруҳни фоти этишди. Бу гуруҳга Янгийўл шаҳрида истиқомат қилувчи, олдин ички марта судланган Р. Б. бошчилиги қилар эканки, у қамоқ жазосини ўтаб келгандан сўнг ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади. Аксинча, атрофида нопок одамларни тўплаб турли хилдаги жиноятларга қўл урди. Шу тариқа 154 минг сўмни ўзлаштириб юборди. Айни пайтда мазкур гуруҳ аъзолари устидан ҳам жиноий иш қўзғатилган.

Жиноятчиликнинг ўсиш суръатини тўхтатиш учун мамлакат ички ишлар вазирлиги республикадаги бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари билан биргаликда бир қанча ишларни амалга оширяпти. Бироқ жамоатчилик орасида олиб борилаётган профилактика ишлари ҳали тўла даражада ўз натижасини бераётгани йўқ. Бундан кейин жиноятчиликнинг ўсиш суръатини тўхтатиш учун меҳнатга яроқли ҳамма фуқароларни фойдаланиш билан таъминлаш, ёшлар ўртасида қонунчилик билан боғлиқ тушунириш ишларини кўпроқ олиб бориш, баъзи қонунларни эскириб қолганлиги сабабли қайта кўриб чиқиш зарурати туғилапти.

Қамоқдан жазо муддатини ўтаб қайтган шахсларни ўз вақтида ишга жойлаштириш, уларни жамоатчилик иштирокида қайта тарбиялаш, бу

борада, корхона, ташкилотлар бошқарушнинг шахсий жавобгарлигини ошириш ҳам муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

М. — Милицияга ишга қабул қилиш тартиби қандай?

З. А. — Ички ишлар идоралари хизматига вазирлик ва ички ишлар бошқармалари қошидаги ҳарбий тиббиёт кўригида жисмонан соғлом ва хизмат ўташ учун яроқли деб топилган, ўрта, ўрта-махсус ҳамда олий маълумотга эга, ёши ўттизгача бўлган фуқаролар қабул қилинадилар.

Энг асосийси улар софдил, маданиятли, халқ фаровонлиги, осойишталиги ҳамда республика мустақиллигини ҳимоя қилишга ҳақиқатан тайёр туришлари, бу йўлда қонунчиликка суяниб, ҳуқуқбузарликка қарши курашда ўз ҳаётларини бағишлашга тайёр бўлишлари керак.

Кадрлар танлашда асосий талаблардан яна бири — номзодлар шу соҳа бўйича етарли назарий билимга ва амалий тажрибага эга бўлишлари зарур.

Масалан, иқтисодиётдаги жиноятчиликка қарши кураш билан шуғулланувчи ходимлар иқтисодиёт, молия ва ишлаб чиқариш бўйича билим ва тажрибага эга, оператив ва тергов бўлинмаларида хизмат қилувчи ходимлар эса ҳаётдаги ижобий ёки салбий ҳолларни тўғри тушуна биладиган, ҳиссиётларга берилмай, одилона иш олиб борадиган, фуқаролар билан маданият ва қонун доирасида мулоқот қила оладиган бўлишлари керак.

М. — Жиноятчилик нарх-наво билан баравар ортиб бораёпти. Иккинчиги ўзаро боғлиқлиги борми?

З. А. — Бор, албатта.

Истеъмол бозоридаги но-соғлом вазиятдан фойдаланган айрим шахслар жиноий йўллар билан шахсий бойлик тўплаш ҳиссиётига берилиб кетдилар. Оқибатда давлат ва жамоат мулкни талон-торож қилиш, порахўрлик, чайқовчилик каби ноқонуний ҳаракатлар кўп-лаб содир бўлмоқда.

Масалан, биргина автомобиллар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари баҳоси кўтарилиши автомобилларни ўғирлаб кетиш ва қайтариб бериш эвазига эгаларидан катта пул талаб қилиш ҳоллари кўп-лаб содир этилишига олиб келди. Шунга ўхшаган мисолларни бошқа соҳалардан ҳам истаганча келтириш мумкин.

Очигини айтганда, ҳозирги кунда халқ ҳўжалигининг кўпгина соҳаларида давлат ва жамоат мулкига тажовуз қилиш ҳоллари каби ноқонуний ҳаракатлар кўп-лаб содир этилмоқда, натижада республикамиз иқтисодиётига катта миқдорда моддий зарар етказилмоқда. Фақат халқ истеъмол молларини кўп-лаб ишлаб чиқариш, мулкчилик яратиш, халқимизнинг моддий фаровонлигини кўтариш бу жиноятларнинг камайишига ва барҳам топишига олиб келиши мумкин.

М. — Жиноятчилик ўсиш суръатининг олдини олиш учун, Сизнинг фикрингизча, нималар қилиниши керак?

З. А. — Саволнинг бундай қўйилиши ва унинг кўламини ниҳоятда кенглиги баъзи аниқликлар киритилишини талаб этади. Жиноят

1 сентябрь — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни

ҳар бир жамиятда ижтимоий кўринишга эга бўлган ҳодисадир. Унинг амалда намоён бўлиши, тарзи ва таркиби жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, ғоявий ва ахлоқий тараққиёт даражасини, мавжуд қонунларнинг мукамаллигини, қонунларни тadbик этиш тажрибаси аҳоли ва бошқа шарт-шароитларни ҳаракатловчи бир қатор омиллар мажмуини акс эттиради.

Ички ишлар идораларининг фаолиятини назарда тутадиган бўлсак, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, уларнинг олдини олиш — профилактика ишлари ва оператив-қидирув тадбирлари жамғармаларини такомиллаштириш борасида Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳайъати ва раҳбарияти амалга ошираётган ташкилий ҳамда амалий тадбирлар ҳақида юқорида тўхталиб ўтдим.

Жиноятларга қарши курашда прокуратура, суд, миллий хавфсизлик хизматлари ҳам муайян ишларни бажармоқда.

Бироқ оғир жиноятлар учун масъулиятни юмшатиш ботида жиноят қонунлари талабларидан баъзан йўрин чекиниш ҳоллари муаммога айланиб бормоқда. Қонунни муҳофаза қилиш тизимида жиноятчиликка оид қонун-қоидаларни амалга оширишда қатъиятсизлик кўринишлари кўзга ташланмоқда. Мавжуд қонунларнинг мукамал эмаслиги кўплаб жиноятчиларга ва жиноий гуруҳларга жазодан қочиш имконини туғдирмоқда.

Бундай камчиликларни бартараф этишда кўп ишлар қилинмоқда, лекин жазо чоралари билангина жиноятчилик оқимини тўхтатиб бўлмаслиги тобора маълум бўлмоқда. Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашнинг фойдаланиш муаммоларини ҳал этиш учун фақат жиноят кодексига устиворлик беришнинг ўзига кифоя қилмайди.

Жиноятчиликка қарши кураш фронтини кенгайтириш учун барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, турли вазирликлар ва муассасалар, жамоатчиликнинг сатъ-ҳаракатларини бирлаштириш борасида сиёсий, ташкилий ва ҳуқуқий тизимларни ишга солиш зарур. Республикада жиноятчиликка қарши кураш бўйича давлат дастурини ишлаб чиқиш бу борада ўта муҳим аҳамият касб этган бўлур эди. Мавжуд қонунларни такомиллаштириш, оператив вазиятни комплекс таҳлил этиш ва жиноятчилик аҳолининг олдиндан таҳмин қилиш, олдини олиш каби келишиб олинган чоратадбирларнинг амалга оширилишига катта эътибор берилиши лозим. Фақат шундагина жиноятчиликни камайтириш ҳақида гапириш мумкин бўлади.

М. — Маҳаллий мафияни ва унинг раҳнаомоларини ички ишлар вазирлиги билади-ми?

З. А. — Ҳа, албатта. Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги идоралари барча соҳаларда жиноятчилик билан шуғулланиб келаётган маҳаллий «мафия»га алоқадор бўлган шахслар ва уларнинг раҳнаомолари тўғрисида оператив маълумотларга эгадир. Ҳозирги кунда шундай гуруҳларни фойда қилиш борасида кенг қўламда тезкорлик қидирув ишлари олиб борилаётган. Натижада мафияга алоқадор бўлган жиноий гуруҳлардан бир неча

таси қўлга олинди ва жиноий жавобгарликка тортилди. Биз бундан кейин ҳам уюшган жиноий гуруҳларга қарши курашни кучайтириш тадбирларини амалга ошираверамиз.

М. — Терговни милиция ва прокуратурадан олиб, алоҳида Қўмита қилиш ёки Адлия вазирлиги тасарруфига бериш ҳақидаги баҳсга қандай қарайсиз?

З. А. — Дастлабки тергов ўтказувчи идора ҳақидаги мунозара кўп йиллардан бундан давом этиб келмоқда. Бу масала сўнгги йилларда айниқса кўп кўтарилди.

Фикримизча, муаммога юзаки ёндашиб бўлмайди. Собий Совет Иттифоқида дастлабки тергов ўтказувчи идоранинг шаклланиш тарихига назар ташланганда бўлса, 73 йиллик даврда тергов бир неча идоралар томонидан олиб борилаётганини гувоҳи бўламиз. Чунинчи, аввалига тергов олиб бориш ҳуқуқига прокуратура ва ички ишлар идоралари, сўнгра фақат прокуратура эга бўлган. Бу иш билан биргина прокуратура шуғулланган даврда прокуратура ва оператив хизматларнинг жиноятларни очиб ва тергов қилишдаги ҳамкорликлари юқори даражада таъминланмаганлиги сабабли, 1963 йилда дастлабки тергов прокуратура, ички ишлар ва давлат хавфсизлиги идоралари томонидан олиб борилиши ҳақида қарор қабул қилинган. Ҳозир ҳам шу иш услубига амал қилинапти.

Эслатиб ўтиш жоизки, жиноят кодексига кўзда тутилган моддаларнинг аксарияти бўйича ички ишлар идораларининг терговчилари иш олиб борадилар. Қарийб ўттиз йиллик давр мобайнида ички ишлар идораларида тергов ходимларининг катта амалий тажрибага эга бўлган, малакали кадрлардан ташкил топган ўзаги вужудга келди. Тергов ишини ташкил этишда ҳам маълум ютуқларга эришилди. Жиноятларни очиб ва терговчилар билан оператив ходимларнинг ҳамкорлик даражалари бирмунча кўтарилди. Ички ишлар идораларининг терговчилари ўз фаолиятларида милициянинг бутун моддий-техника базасидан фойдаланиш, лозим бўлган ҳолларда керакли тадбирларни ўтказиш учун бошқа хизмат ходимларини жалб этиш имкониятига эгадир.

Тергов аппарати Адлия вазирлиги ахтиёрига ўтказиш барча муаммоларни ҳал этмайди. Агар судлар ҳам шу вазирликка бўйсунганини эсласак, дастлабки терговнинг ҳулосасига суд боғланиб қолиши мумкинлигини идрок этиш қийин эмас. Бу эса жиноят ишлари судда ҳолис ва ҳар тарафлама кўрилишига, қонуний ҳукм ёки ажрим чиқарилишига тўсик яратади.

Бундан ташқари кадрлар масаласини ҳам унутмаслик лозим. Маълумки, ички ишлар идоралари терговчилари бошқа милиция ходимлари қатори бир қатор имтиёзлардан фойдаланадилар, унвон ва иш стажини учун устама ҳақ олади. Адлия вазирлигида бундай шароит йўқ. Шу бондан кўплаб терговчилар ички ишлар идораларининг бошқа хизматларида қолиш истагини билдиришлари мумкин. Бу ҳолат республикамиз тергов аппаратида кадрлар савиясининг ниҳоятда пасайиб кетишига, жиноятчилик билан курашда эса ноҳуш натижаларга олиб келиши мумкин.

Ана шу мулоҳазаларим

билан тергов доим уч идора томонидан олиб борилиши керак, демоқчи эмасман. Тўғри, ҳозирги ҳолатда баъзи бир жиноий ҳаракатлар юзасидан терговни қайси идора ходими олиб бориши кераклиги ҳақида баҳслар бўлади, гоҳида бунинг натижасида сансалорликка йўл қўйилади. Шунинг учун ички ишлар идоралари терговчилари томонидан жиноятчиларнинг кўпчилиги сўроқ қилиниши, бу ерда етук мутахассислар таркиби ва етарли моддий-техника имкониятлари борлигини назарда тутиб, мажкур хизматни прокуратура ва миллий хавфсизлик хизмати органларидан ички ишлар идораларига олиб бериш лозим. Шу йўлга жиноятчилик билан курашнинг сўзсиз кучайишига, прокуратура томонидан эса қонунчиликнинг қатъий назоратга олинишига имконият яратган бўлур эди.

Баъзилар агар шундай қилинса, тергов оператив хизматлар таъсирига тушиб қолади, жиноят ишларини ҳолислик билан кўриш таъминланмайди, деган фикрни илгари суришлари мумкин. Жавобан айтиш керакки, ички ишлар вазирлиги таркибда терговчининг процесуал мустақиллигини амалда таъминлашга реал шароит бор. Агар дастлабки тергов олиб бориш ҳуқуқи фақат ички ишлар идоралари терговчиларига берилса, вазирлик таркибда ёки ҳузурида тергов Бош бошқармаси тузиш, уни фақат ички ишлар вазирлигига бўйсундирган қилиш мумкин. Тергов Бош бошқармасига эса кадрларни вазифаларга тайинлаш ва вазифасидан озод этиш ҳуқуқи берилади.

М. — Ҳозир республикада йирик ишлаб чиқариш корхоналарини ҳам хусусийлаштириш тўғрисида мунозара бўляпти. Сиз бунга қандай қарайсиз?

З. А. — Менимча ҳозир республикада йирик ишлаб чиқариш корхоналарини хусусийлаштиришнинг вақти эмас, ҳали эрта. Чунки хусусийлаштириш жараёни кишилар ўртасидаги иқтисодий-ижтимоий ва социал муносабатларнинг тубдан ўзгаришини тақозо қилади. Қолаверса моддий ва иқтисодий база бўлиши ҳамда юқори малакали мутахассислар тайёрланиши лозим. Лекин ҳозирги кунда бу масалани халқ хўжалигининг айрим соҳаларида аста-секин тажриба тариқасида амалга ошириш мумкин, жумладан савдо, маиший, коммунал хизмат кўрсатиш ва ҳоказо соҳаларда.

М. — «Халқ сўзи» газетасининг 25 июль сониде «Тадбиркор Анвар» ёки «Нур Анвар Банк хусусида» номли танқидий мақола-ни ўқиб қолдим. Билишимча, «Анвар банк» ҳибса олиниб, устидан жиноий иш қўзғатилди. Мамлакатимизда Анвар Тилланазаровга ўхшаган «тадбиркорлар кўпчилиги ташкил қила-дими?

З. А. — Анвар Тилланазаровга ўхшаган сохта «тадбиркорлар» республикамизда бор, лекин кўпчилиги ташкил қилмайди, чунки уларнинг қилган жиноятлари ўз вақтида фойда этилиб, газета-журналлар ва телевидение орқали халқ бохабар қилиб турилибди. Шунга ўхшаш сохта «тадбиркор»ларни айрим фирмаларда, ассоциацияларда, ширкатларда қўшма ва кичик корхоналарда учратиш мумкин. Лекин қонун бундай шахсларни асло кечирмайди, вақти келиб улар ҳам муносиб жазо олишади.

М. — Ички ишлар ва-

зирлиги ҳамда жойлардаги милиция маҳкамаларида иш услуби ва йуриги ўзгартириладими?

З. А. — Юзага келаётган криминал вазият, жиноятчилик тарзи ва таркиби, жиноятларнинг олдини олиш ва очиб борасида ички ишлар идораларининг иш якунлари ИИВ идоралари фаолиятини ташкил этишни жиддий ўзгартирилишини тақозо қилмоқда. Идоралар ва бўлимларнинг ташкилий таркиблари ва хизмат ўринлари қайта кўриб чиқилди. Оператив-профилактика, ишлаб-чиқариш, хўжалик ва ёрдамчи тизимларнинг ташкил этилиши тармоқ хизматлари имкониятларини етакчи йўналишларга жамлаш имконини берди. Жумладан жиноят-қидирув бошқармаси билан уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бошқармаларининг бирлаштирилиши хизмат вазифалари масалаларини ҳал этиш даражасини жиддий кучайтирди, жиноятчиликка қарши курашдаги бир-бирининг ишини такрорлаш, ўз ҳолича ишлаш ва ўз идорасининг манфаатларини кўзлабгина ҳаракат қилишга чек қўйди.

Жойларда ҳокимият ижроия идораларининг янги таркиблари тузилди. Шунингдек, ички ишлар идораларининг ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар ва жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлиги жиддий фаоллашди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштириш, жиноятларнинг олдини олиш, очиб маъмуни ва шаклини тубдан янгилаш, комплекс суриштирув-оператив ҳамда профилактика тадбирларини ўтказиш, жиноятчининг танобини тортиб қўйиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан келишиб қилинган чоралар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

М. — Эшитишимча, Ички ишлар вазирлиги эътиб таъинланган кундан бошлаб бу ерда ҳамда жойлардаги идораларда давлат тилида иш юритишга алоҳида эътибор бериб келаётган экансиз. Шу борада амалга ошаётган ишлар ва режаларингиз хусусида гапириб берсангиз.

З. А. — Давлат тили ҳақидаги Қонунни бажариш борасида бир мунча ишларни амалга оширдик. Аввало бу масалани вазирлик ҳайъати мажлисида кўриб, муҳим йўналишларни белгилаб олди.

«Маърифат» халқ дорилфунуни билан ҳамкорликда ўзбек тилини ўрганиш бўйича 6 ойлик курслар ташкил этилганлиги ҳам яхши самара берди. Бу курсларда 180 нафар милиция ходимлари сабоқ олдилар.

Ҳозир барча ҳужжатлар ўзбек тилида юритилмоқда. Хизматларимизда кундалик фаолиятда қўлланиладиган буйруқлар, қўлланиладиган кўрсатмалар, давлат тилида тайёрланмоқда. Ўқув юрларимизда имтиҳонлар ўзбек тилида, ўқитиш ишлари ҳам ўз тилимизда олиб борилаётир.

Ички ишлар вазирлиги ва унинг қуйи тармоқларида «Ўзбекистон республикасининг давлат тили ҳақида»ги қонунни амалга ошириш бўйича қилинаётган ишлар алоҳида назорат остига олинган.

М. — Марказ тугатилди. Мустақил ҳамдўстлик мамлакатлари ички ишлар вазирликлари билан ҳамкорлик қандай бўляпти?

З. А. — МДҲга кирувчи мамлакатлар орасидаги ўзаро ҳамкорликда жиноятчилик ўта жиддий муаммо эканлиги, бу муаммони ҳал этиш жиноий қонунчилиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари тизимини келишилган ҳолда такомиллаштириш зарурлиги асос қилиб олинган. МДҲ мамлакатлари ички ишлар вазирликлари раҳбарларининг Минск, Уш ва Олмаотада бўлиб ўтган учрашувларида мустақил давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамламай туриб жиноятчиликка қарши самарали курашиб бўлмаслиги эътироф этилди.

Ички ишлар идораларида илгари юзага келган фойдали алоқаларни сақлаб қолиш ва ўзаро ҳатти-ҳаракатларнинг янги механизмларини яратиш зарурлиги учрашувларда алоҳида таъкидланди. Ички ишлар вазирликлари раҳбарларининг шу йил апрель ойида Олмаота шаҳрида имзолаган битимларининг моҳияти ана шундан иборат.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги Эстония, Латвия, Қирғизистон Республикалари ички ишлар вазирликлари билан ҳамкорлик ҳақида икки томонлама битимни имзолади. Шунингдек, Туркменистон, Тожикистон, Россия Федерацияси ва Украина ички ишлар вазирликлари билан худди шундай ҳужжатларни имзолаш арафасидамиз.

Ўта хавфли жиноятларга қарши курашиш жабҳасида биргаликда оператив-қидирув ва процесуал ҳаракатлар ўтказиш, жиноий ишлар юзасидан сўров ва илтимосларни бажариш шаклида ўзаро ҳамкорлик амалга оширилмоқда. Ҳамжиҳатликнинг турли кўринишлари давлатларнинг мустақиллиги ва тенг ҳуқуқлилиги принциплари сақланган ҳолда, ўзаро қўлай тарзда муттасил ривожлантириб борилади. Айтайлик, шу йил 3 августда Қирғизистон Республикасининг Чўлпонота шаҳрида мустақил давлатлар ички ишлар вазирликлари ўртасида ахборот айирбоқлаш, моддий-техника воситалари ва махсус асбоб-ускуна билан таъминланиш соҳасида кўп томонлама битимлар имзоланди.

Украина ички ишлар вазирлиги наркотикига қарши курашни кучайтириш муаммолари бўйича шу йил октябрь ойида кенгаш ўтказишни зиммасига олди.

М. — Зокиржон Алматович, Сизда бўш вақт бўладими ва уни қандай ўтказасиз?

З. А. — Бўлади, бироқ жуда кам. Мен бўш вақтимни вақтли матбуотни ўқишга, китоб муталаа қилишга ва фарзандларимга сарфлайман. Спорт билан шуғулланишга эса вақт топишга ҳаракат қиламан. Чунки тан соғлигининг ишга икбий таъсирини тажрибамда кўрганман.

М. — 1 сентябрь — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги куни. Шу муносабат билан муштарийларга тилагингиз?

З. А. — Мустақиллигини мустаҳкамлаш учун туну кун меҳнат қилаётган барча оқсоқоллик посбонларини, муштарийларни бу улуг айём билан чин қалбдан муборакбод этаман. Уларга мустақам соғлиқ, бахт, бардамлик тилайман.

М. — Суҳбатингиз учун раҳмат.

Хизматларда

ҲАЙДОВЧИНИ КОМПЬЮТЕР СИНАЙДИ

Ўтган йили Ўзбекистон ички ишлар вазирлигининг махсус комиссияси ҳайдовчиликка ўқитиш масалаларини атрофлича ўрганиб чиқиб, билим беришнинг янги усулларига ўтишни, курсантлардан имтиҳон олишда замонавий техника воситаларидан фойдаланиш зарурлигини алоҳида кўрсатган эди. Фарғона вилояти ИИБ ДАН раҳбарияти бу ишга жиддий киришди. Замонавий ЭХМлар, махсус компьютерлар ўрнатилган, имтиҳон олишга мўлжалланган синфхоналар ташкил қилинди. Масалан, икки хонада махсус шаблонлар билан ишланса, учинчи бир хонада эса қирқ нафар курсант компьютер қаршисига ўтириб, 15 дақиқа давомида имтиҳон саволларига жавоб берадилар.

Компьютер хонасини жиҳозлашда, кўрсатмаларни ҳар томонлама текширишда, ЭХМларни бошқаришда имтиҳон комиссиясининг раиси милиция капитани М. Холматов, милиция катта лейтенанти Ш. Низомов, милиция лейтенанти М. Абдурахимовлар сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.

А. АҲМЕДОВ,
жамоатчи мухбир.

ДАВЛАТ АВТОМОБИЛ НАЗОРАТИ



СУРАТДА: имтиҳон комиссиясининг раиси М. Холматов, комиссия аъзоси М. Абдурахимовлар синавдан ўтаётганларни кўзатмоқда.
М. САРИМСОҚОВ олган сурат.

ФОТОЭТЮД



Урганч шаҳар ички ишлар бўлими ҳузуридаги қўриқлаш бўлини маси ходимлари милиция старшинаси (чапда) Икром Ҳожиев ва рота командири, милиция катта лейтенанти Ўрозбой Маданбоевлар давлат ва шахсий объектларни қўриқлаш билан бир қаторда жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашда ҳам фаол иштирок қилмоқдалар.
Суратда: суҳбат чоғи.

С. БОБОЕВ тайёрлаган сурат.

КЕЛАЖАКНИНГ
БУГУНИ ҲАҚИДА

Автобусда кетаётган қаршингизда, ошхонада овқатланаётган сиздан бир стол нарида ёки кўчада кетаётган ёнгинангизда ўзларича чугурлашибётган ёшларни учратганмисиз? Албатта учратгансиз. Бир эмас, бир неча маротаба. Уларнинг суҳбатидан нимани тушунгансиз? Амминанки, кўпинча тилга олиб бўлмайдиган, турфа хил «рангли» сўкинишлардан бошқа ҳеч нарсани тушунмагансиз! Нега? Нима учун болаларимизнинг тарбияси бу қадар бузилиб кетган? Ким айбдор?

Сайфиддин Жабборов 15 ёшда. Ўқимайди. Ишламайди ҳам. Китоб шахри. М. Бобоев кўчасидаги хонадонларнинг биридан магнитофон ўғирлаб қўлга тушди ва уч йилга озодликдан айри этилди (вояга етмаганлиги ҳисобга олиниб, ижро икки йилга кечиктирилган).

Ака-ука Олим ва Отабек Авғановлар ҳам Жавли Ўзоқов шериклигида ҳамқўшлоқларининг уйдан магнитофон ва кассеталарини гумдон қилишган. Жиноят жазосиз қолмади.

Ҳозирча шу икки мисол билан чекланиб турайлик. Хўш, кимни айблаш керак? Сайфиддин ўқимаса, ишламаса, ака укасига насихат қилиш ўрнига қўшилишиб жиноятга қўл урса. Уларнинг юриш-туришини назорат остига олиш биз — катталарнинг ташвишимиз эмасми? Ахир улар адолат ва разолат айри тушган йўлда туришибди, қай бирини танлаш уларнинг ихтиёрида бўлмаслиги керак!

Тошкентлик 16 ёшли Ойгул Бойжигитова, Тошкент вилоятилик 18 ёшли Дилбар Холдорова, Қарши шаҳрида яшовчи 16 ёшли Манзува Худойназарова, Шаҳрисабзнинг Чукун қишлоғилик Мадина Ойдинова (15 ёшда)лар Китоб шаҳрида дайдиб юришганида ушланиб, милиция идорасига келтирилдилар.

Юртимизда азал-азалдан қизлар тарбиясига алоҳида эътибор бериб келинган.

Ҳозир-чи? Ота уйи остонасидан ҳатлаб, қай томонга йўл тортмоқдалар?

Шу йилнинг олти ойи мобайнида Китоб райони ҳудудда 22 нафар вояга етмаган ўсмирларнинг ҳужжатлари текширувга юборилди. 71 нафар болалар ҳуқуқбузарлиги учун ушланди ва 36 нафари расмий равишда огоҳлантирилди. Қуруқ ва дилин хира қилувчи рақамлар.

Ўсмирлар тарбиясининг бузилишига бир неча омиллар сабаб бўлади. Биринчи: ота-оналарнинг ахлоқий бузуқ ҳатти-ҳаракатлари, ичкиликбозликка берилишлари. Иккинчи: оила аъзоларининг бир-бири ва кўни-қўшниси билан ёмон муносабатда бўлишлари. Учинчи: ота-оналарнинг жамоат орасида обрў-эътиборлари яхши бўлсада, ўз фаъолиятларига нисбатан безътиборликлари. Тўтинчи: бола истаган ҳар қандай нарсанинг муҳайё этилиши. Бешинчи: жойларда ёшлар қўмиталари таъсирининг сезиларли эмаслиги.

Сон-саноксиз видеообларда қўйилаётган маза-бемаза фильмларнинг таъсири ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Нима қилиш керак? Сўнгги сўз катталарга ҳавола.

Камол МУХТОРОВ,
Китоб райони ички ишлар бўлими вояга етмаганлар билан ишлаш назорати бошлиғи, милиция майори.

ТАХРИРИЯТДАН: азиз ота-оналар! Юқоридаги каби мақолалар бизнинг рўзномамизда биринчи бора ёритилаётгани йўқ. Афсуски, охиригиси ҳам эмас. Хамма гап сизда қолган. Хадеб, ундай қилма, бундай қил дейвериш ҳам одобдан бўлмайди. Мана, ёзги таътил кунлари ҳам адоқлашиб қолди. Бўйи, ақли, билими жиҳатидан бир йилга ўсган фаъолиятининг эрта-индин яна мактаб остонасидан ҳатлайди. Таътилни у қандай ўтказди ва ўтказаяпти, шу ҳақда бир ўйлаб кўринг.

ТАНОБИ ТОРТИЛАДИГАН БЎЛДИ

Ҳозирги иқтисодий танглик даврида халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш асосий муаммолардан биридир. Ҳукуматимиз раҳбарлари бу борада туну кун бош қотиришмоқда. Тақчил маҳсулотларни фуқароларга қарточка орқали маълум миқдорда ажратилмоқда. Бу усул баъзи ҳолларда ўз самарасини берапти. Аммо ҳамма жойда ҳам таъминот иши рисоладагидек бўлаётгани йўқ. Баъзи савдо ходимлари шахсий манфаатларини кўзлаб, нафсига эриқ бериб, кундалик эҳтиёжга зарур маҳсулотларни савдодан яшириб, қарточка бўйича тўла тарқатмасдан, гайриқонуний равишда қиммат баҳоларда пуллашмоқда. Баъзан республикамиз аҳолисига тегишли маҳсулотлар бошқа жумҳуриятларга олиб кетилмоқда.

Хазорасп райони матлубот жамиятига қарашли озиқ-овқат моллари омбори мудир Хасанбой Жуманиёзов алоҳида ҳисобда турган ва аҳолига тарқатилиши зарур бўлган 130 қоп шакарни таниши Саъдулла Каримбердиевга 221 минг сўмга сотиб, ундан тушган фойдани ўзлаштириб юборгани юзасидан жиноий иш қўзғатилди. Айни пайтда тергов ишлари олиб борилаётир.

Энди бир мулоҳаза қилиб кўрайлик. Нопокликка йўл қўйилмаганда ўша 6500 килограмм шакар билан қанчадан-қанча аҳоли таъминланган бўларди-ку! Халқ манфаатидан ўзининг шахсий манфаатини устун кўрадиган шахслар орамизда оз дейсизми? Тергов даврида Х. Жуманиёзов мудир бўлган омбор элак-элак қилинди. Натикада Х. Жуманиёзов жавобгарлигидаги шакардан 40.600 сўмлик камомад борлиги аниқланди. Бундан ташқари омборхонадан 8000 сўм савдо пули чиқди. Унинг уйда ўтказилган тинтув пайтида эса 319 минг 373 сўм нақд пул ва 37 минг 787 сўмлик озиқ-овқат, саноат моллари топилди.

Саъдулла Каримбердиев омбор мудиридан сотиб олган 130 қоп шакарни қайқон нархда таниш-билишларига ошириб юборди. Жумладан, туркмакистонлик таниши Отабоевга 50 қоп шакарни 105 минг сўмга, 80 қопни эса Агамуратовга 168 минг сўмга пуллаб, 62 минг сўм соф фойда кўрди. Бироқ уни бу қаноатлантирма-

ди, чоғи, ҳамтовоқлари — Алланазаров, Казаков, Шерниязов, Азизов ва Давлетовларни ёнига чорлаб, жиноий тил бириктириб, Агамуратовга сотиб юборган 80 қоп шакарни қандай йўл билан бўлса ҳам олиб қилиш пайига тушди. У Агамуратов шакарни қандай йўл билан, қачон, қаёққа олиб кетишини яхши биларди. Шунинг учун ҳам йўлга пистирма қўйиб, уни кута бошлашди. Пана жойда автомашинани тўхтатиб, ўзларини милиция ходими, деб таништирган йўлтўсарлар шакарни бошқа республикага олиб кетаётганлари учун 10 минг сўм пора сўрашди. Агамуратов ҳамда унинг ҳамтовоқлари ёнларидаги бор пулларини жамлаб, 8500 сўм беришди. Аммо бу йўлтўсарлар нафсини қаноатлантирмади. Шундан сўнг улар Агамуратовни очикдан-очиқ қўриқиб, талончилик билан 80 қоп шакарни тортиб олишди.

ЖИНОЯТ-
ҚИДИРУВ

Жиноий гуруҳ аъзоларининг уйлари тинтув қилинганда бешоғар қирқма ов милтиғи, иккита совуқ қурол, 500 грамм банг, 300 грамм, кўкнор ва қорадори топилди.

Дўстлик шаҳридаги Октябрь матлубот жамияти озиқ-овқат омбори мудир Отажон Маткаримов ҳам нафси ўпқонлардан чиқиб қолди. У 1992 йилнинг 25 июнь кунин моддий жавобгарлигидаги 5740 килограмм, яъни 34 минг 440 сўмлик гуруччи Фарғонадаги «Дияра» кичик жорхонаси раиси Муннавархон Охуновга устама нархда, яъни 68 минг 880 сўмга гайриқонуний равишда пуллаётганда ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ушланди. Ушбу факт юзасидан жиноий иш қўзғатилди. О. Маткаримов жавобгарлигидаги моллар тафтиш қилинганда 7610 сўм 62 тийинлик камомад борлиги аниқланди.

Баъзан мана шундай жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида ўйлаб қолсан, киши. Хўш, унинг илдизи қаерда ўзи?

Хазорасп райони матлубот жамияти бошқарувининг раиси Каримов имзолаган фармойишда моддий жавобгар шахсларга ўз жавобгарлигидаги маҳсулотларни

яшаш жойларида сақлашга рухсат берилган. Тергов давомида ана ўша — уйда сақланаётган маҳсулотларнинг аксарият қисми аҳолига талон билан тарқатиладиган озиқ-овқат моллари эканлиги фош этилди. Жумладан, 41-дўкон мудир Муҳаббат Қаландарова ўз моддий жавобгарлигидаги 1243 шиша «Русская водка» ароғини, 115 қоп вермишель, 17 жуфт аёллар чуваги, 12 қоп биринчи навли унни уйда сақлаётгани, бўш идишлар омборининг мудир Қўшназар Саидов 2500 килограмм, автолавка мудир Султонбой Нурметов эса 200 қоп, яъни 10 тонна шакарни, 13-дўкон сотувчиси Чамангул Болтаева 5 тонна шакарни, 15-дўкон ходими Ярашбой Жуманиёзов эса ўз хонадонда савдодан тушган 17 минг 630 сўм пулни, 18 минг 432 сўмлик буюмларни сақлаб қўйгани аниқланди. Эътибор беринг-а, шунча шакарларни халқнинг кўзини шамғарат қилиб яшириб қўйишган. Бу — ҳашаги очилган биргина Хазорасп район савдо ходимларининг киндикори. Бейхитёр шундай савол туғилади: матлубот жамияти бошқаруви раиси нима сабабдан аҳолини иқтисодий тақчиллик қийнаб қўйган бир пайтда сотувчиларга, дўкон мудирларига камёб молларни ўз уйларида сақлашга рухсат бериб қўйди экан?

Биз юқорида ҳикоя қилган ноқонуний иш услуби юзасидан вилоят матлубот жамиятига тавсиянома юбордик. Ўйлаймизки, у ердаги мутасадди ўртоқлар Каримовнинг иш услубига тегишли баҳо беришпади.

Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Т. Холматов иштирокида ўтказилган оператив мажлисда юқорида зикр этилган ҳар икки жиноий иш атрофлича муҳокама қилинди. Бу қинғирликларни тўласича очиб бўйича фаолият кўрсатаётган гуруҳ сафига бошқармадаги тажрибали терговчи ва тезкор ходимлар махсус буйруқ билан бириктирилди. Улар учун транспорт воситалари ҳамда бошқа зарур криминалистик техникалар ажратилди. Тергов давом этмоқда. Энди халқ ризқиға кўз олайтираётганларнинг таноби тортиладиган бўлди.

Х. ҲУСИНОВ,
милиция майори.

ЗОР — ИНТИЗОР

Узим гувоҳ бўлган ва айнан шу кунларда яқин топётган бу воқеадан қаттиқ таъсирландим. Ким айбдор эканлиги хусусида кўп ўйландим. Топгандек бўлдим ҳам. Аммо унинг гирдобидан ҳали-ҳануз чиқолмайман. Хўш, бугун қалбимни қаттиқ ларзага солган бу фожиеани ҳикоя қилиб, тақдир қаргаган кишилар бахтсизлигини ўзгалар олдига дастурхон қилиб ёзиш шартмикан? Ёзиш шарт деган қатъий фикрга келдим, ниҳоят. Зора бундан ҳаётнинг боши берк кўчасига яқинлашиб қолганлар хулоса чиқариб олсалар.

ОНАНИНГ КЎНГЛИ БОЛАДА...

Муаззам ая чўчиб уйғондию тепасида шприц ушлаб турган нозиккина оқ халатли қизни кўрди.

— Тинчланинг, холажон, уйқунгизда кўп алаҳсирадингиз. Бунақада... у албатта келади.

Муаззам ая сири ошкор бўлганидан ҳижолат чекдими ёки ҳозиргина кўрганлари узук-юлуқ туш экани

лиги, бу сафар ҳам ўғли келмагани учун янада кучлироқ изтиробга тушдими, намланиб қолган хира кўзларини ҳамширадан олиб қочиб, юмди.

Унинг шифохонага тушганига роса уч ҳафта бўлди. Айниқса шу уч ҳафта давомида кўрган яхши-ёмон кунлари хотирасидан такрор-такрор ўтаверади.

Турмуш ўртоғи Убайдулла билан ширин ҳаёт кечирешарди. Бу оилага ҳамманинг ҳаваси келарди. Ахир эр-хотин бир-бирини еру кўкка ишонишмас, зотан бундай турмуш ҳаммага ҳам насиб қилавермайдиде. Аммо аяган кўзга чўп тушаркан. Ҳомиладорлик пайтида эрини урушга олишди. Муаззам зор-зор чирқираб қолаверди. Дилбанди Саъдулла тетапоя бўлганида эса бир парча қорахатни тақдир азобларидан ажин тушган юзларига босиб узоқ йиғлади. Ҳамма нарсанинг чеки-чегараси бор. Кўз ёшлари куриб битди. Ва ёзиғим шу экан, дея ўзига далда берадиган ҳам бўлди. Энди унинг бу ёруғ, айни пайтда қоронғи оламдаги биттаю битта юпанчи эридан хотира бўлиб қолган ўғилгинаси эди. Аммо... бу ёғини ўйлагиси келмайдди. Ачинарлиси шуки, битта ўзи ҳам ота, ҳам она бўлиб папалаб-авайлаб ўстиргани боши ёстиққа текканида ҳолинг не деб келишга ярамайдди. Йўқ, у Саъдулланинг халтада кўтариб келадиган у-буларига зор эмас. Бўйини кўзи билан кўрса, юзларини бир марта бўлса ҳам силаб-ўпса бўлгани. Аммо шунинг ҳам иложи йўқда...

...БОЛАНИНГ КЎНГЛИ ДАЛАДА

Она Саъдуллани уйлантириш тараддудига тушиб қолганида, у бутунлай ўзгариб кетди. Ишдан доимо кечикиб келадиган бўлди. Майли, тинч-омон оstonамда кўрсам бўлди, деди онаизор. Индамади. Эримнинг руҳи чирқирамасин, деди. Аммо ўғил бора-бора ароқнинг сархушлигидан чайқалиб келадиган бўлди. Бу ҳол кеча ёки бугун эмас, ҳар кунни такрорланарди. Ўзи инсоф берса, кўзи очилиб, яна йўлини топиб олар, дея она ҳамон бесаранжом юрагига тасалли берарди.

Ниҳоят Саъдулла Нодира исмли аёлнинг ишқиде кўйиб юрганлиги маълум бўлди. Муаззам аянинг кўзига дунё тор кўринди. Йиғлади-сиктади, ўғлини койиди-ялиди — фойдаси бўлмади. У ўша аёлга уйланиб, алоҳида бошпана олиб чиқиб кетди. Бора-бора волида истиқболига гандираклаб кириб келишлари ҳам сийраклашаварди. Майли, дерди онаизор, қаерда бўлса ҳам тинч бўлсин. Ойда бир марта бўйини кўриб турсам, шунинг ўзи етарли.

Аслида Саъдулла ажойиб касбни эгаллаб олган, сувоқчиликда унинг олдига тушадиган йўқ эди. Шу боис қурилиш ташкилотиде обрўйи баланд, сурати «Хурмат тахта»сидан тушмасди. Аммо уч нафар болага ота бўлсада, чўнтагидаги қаппайган пулларни ичкиликка сарфларди. Ароқ дегани инсондаги жамики яхши ҳислатларга кушанда экан. Обрўсини кемириб битирди. Авваллари уни «қўли гул уста» дейишарди, энди эса «ароқхўр уста» деган номга эришди. Бу иллатга қарши курашувчи шифохонада даволаниб ҳам чиқди. Аммо қоронғида топишган улфатлари яна йўлдан уришарди. Ичмайман, дердию бир културмгинаси томоғидан ўтса бас, аввалги ваъдаю қасамлар эумда унут бўларди.

Қурилишдан кетгач, дўконга ишга кирди. Аммо бу ерда ҳам кўп ишламади. Эндиликда ёлланиб меҳнат қилар, ҳамон топганини култиллаб ютишдан чарчамасди.

Бора-бора уйда ичишдан чўчиб қолди. Қўшнилари бир-икки марта милицияга кўнғироқ қилиб, танобини торттириб қўйишди. Шу боис у ҳаминини хотинидан



тортиб олиб, онасиникига кетди (Муаззам аянинг ногиронлигини ва эри урушда ҳалок бўлганини инобатга олиб, икки хонали уй ажратишганди).

Ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди. Қаланғи-қасанғи ўртоқлари билан бор-будини ёб битирди. Ва ниҳоят таърифлаб бўлмас даражада пасткашликка кўл урди. Ўзи мунолишда қоровул бўлиб турди, улфатларидан бирини ўз уйига (!) ўғирликка кузатди. У эса ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, ароқ учун Саъдулланинг хотинини болалари ризқини ўмариб чиқди! Нодира буни сездми ва Саъдуллани уйдан ҳайдаб юборди.

ВА ЖАРЛИККА ҚУЛАШ

Муаззам аяни кўргани келини Нодира, набиралари, қолаверса бошқа қариндош-уруғлари тез-тез келиб туришарди. Аммо кампир ҳамон алаҳсираб, сакраб уйғонгач: «Саъдуллажон, қаердасан болам!» — деб ун-сиз йиғларди.

«Саъдуллажон» эса дафн маросими кунидеги пайдо бўлди. Кўпчиликка қўшилмай бир чеккада мунғайиб турарди. Фикри-ёдида дўконга чиқиб, юз грамм «отиб» олиш, шундагина қалтироғи босилиши мумкин.

...Орадан бир неча кун ўтгач Саъдулла ва қизи Каромат орасида шундай гап-сўзлар бўлиб ўтди.

— Дада, сизда уят борми ўзи? Шиндадаги атримини ҳам ичиб қўйибсизку-!!

— Киссамда...

— Энди милиция қақиртирмасам бўлмайди. Йўқолинг кўзимдан!..

Холмуҳаммад МУЯДИНОВ.



КИНО АЙРИМЛАР ҲАЁТИДА

«МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО»

Улар кутубхонада танишдилар. «Декамерон» китоби устидан чиққан тортишув икковини ҳам бир-бирига жуда-жуда яқинлаштириб қўйди. Кейинги учрашувлар «бир кўриш — таниш, икки кўриш — билиш, уч кўриш — қолган ишлар» қабилида ўтди.

Минг афсуски, қиз носорлом экан. Буни йигит сезиб қолганида анча кеч бўлган эди. Энди у ётиридаги ойнага худди Арлекино мисол

туপুরар. биланлари билан сидирар ва яна аямай ту-пурарди...

«КИЧКИНА ВЕРА»

Қишлоқидан қисиниб-қимтиниб чиққан қизгина шаҳарда беш йил қолиб кетди. Шу ўтган йиллар мобайнида у билим жиҳатидан қай даражага етишди, номатлум-у, аммо бошқа томондан ҳийлагина тажриба орттирди. Энди у сираям қишлоқ қизига ўхшамас эди. Шаҳар кўрмаган қизларнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган нарсаларни кўрди ва... амал

қилди. Айниқса, «йигити» билан бирга тушган битта кино унинг ҳаётини бутунлай ўзгартдириб юборди. Ўша кино қаҳрамонига жудаям ўхшагиси келди.

...У кичкина Вера бўлиб қолганди ва бундан заррача истиҳола қилмасди ҳам...

«БОИЛАР ҲАМ ЙИҒЛАЙДИ»

Икки кишилик купеда бир эркакка тилларанг сочли жу-вон ҳамроҳ бўлди. Очиқ-на экан. У билан яқиндан... жуда яқиндан танишиш қи-

йин кечмадини, буни ўша эр-как кўнғилидагидек қилиб ба-жарди.

— Ўзимнинг Мариан-нам, — деди у чақчақлашув давомида жувонга.

— О, Луис Альберто! — шарақлади жувон. — Эстерингизчи? Балки у ҳам ҳозир Диего билан биргадир, а?

— Нима?!

«ТЕМИР ХОТИН»

Қўшқор омади юришиб, шаҳарга қадам ранжиде қилди-ю, Олимтойнинг айтган барча гапларига чипа-чин ишонди. Ҳақиқатан ҳам унинг кичкинагина қишлоғига ҳали маданият кириб бор-

маган экан. У ўзига ўзи сўз берди: қишлоққа ўта маданиятли бўлиб боради, қишлоқдошларини маданиятли кун кечиршига қақиради. Худди Олимтойдек!

Шундай қилди ҳам. Орадан икки йилни ўтказиб («Политехника»ни «экспресс» битказиб), мана, юртига қайташди. Ёнида Олимтойникидек Аломат. Фақат қўтида эмас. Тани ҳам темирдан ясалмаган. Ва яна атрофида шу қисқа вақт ичида «иштиро» қилгани — Аломат-1, Аломат-2 лар ҳам чулдираб юришибди. Ишини Дасаевсиз битирган.

Эркин САТТОРОВ.

Хатларга шарҳ

Қўлимизда жуда кўп ранг-баранг хатлар. Айрим хатларни ўқиб, «ҳаҳ, эринмаган одамлар», деворасан, баъзан. Айрим мактублар билан танишиб эса оғзингиздан «аҳ, бечора» деган сўзлар чиқиб кетганини ўзингиз ҳам сезмай қоласиз.

Тахририятимизга келиб тушаётган мактубларнинг аксарияти миннатдорчиликлардан, у ёки бу ходим ҳақидаги битиклардан иборат.

Қувалик жамоатчи мухбир Раҳимжон Раҳимовни ихлосмандларимиз газетамиз орқали таниб қолишган. У бу сафар шу район ички ишлар бўлими паспорт бўлини маси бошлиғи Абдулазиз ака Эшон фаолияти ҳақида ҳикоя қилибди. Жиззахлик Эминжон Шодиев эса Жиззах райони ички ишлар бўлими участка вакили Инъомжон Ҳамдамов ҳақида илиқ сўзлар битибди.

Энди эътиборингизни андижонлик Н. Бадалов мактубига қаратмоқчимиз. У милиция подполковниги Нурматжон Латифжонов ҳақида очерк ёзиб, газетда эълон қилишимизни сўрабди. Бу албатта, яхши таклиф. Аммо, ана шундай истак билдирган мухлисларимиз имкониётларимиз маълум даражада чекланганини тушуниб олишларини хоҳлардик. Маълумки, республика миқёсида Н. Латифжонов каби касбига ихлоси балинд ходимлар нисбатда кўп. Бизнинг бармоқ билан санарли даражада кам сонли мухбирларимиз уларнинг ҳар бири билан учрашишлари гоёта қийин. Шу боис, бу ишни ўша мухлисларимизнинг ўзларига ҳавола этмоқчимиз. Зеро, улар ўзлари таниган ходимни бизга қараганда яхшироқ билишади.

Яна бир туркум хатлар борки, фақат табрикнома-лардан иборат. Истиқола билан яна муаллифлардан узр сўраймиз. Сир эмас, бозор иқтисодиёти деган нарсга газетамиз фаолиятига ҳам соя ташлаган. Моддий жиҳатдан мақтангудек жойимиз йўқ. Шунинг учун эълон, реклама, табрикнома-



ларни тўлов асосида чоп этишга қарор қилганмиз. Ана шундай материалларнинг ҳар квадрат сантиметрига 15 сўмдан тўласангиз, марҳамат эътиёжингизни қондиришимиз мумкин. Айни чорда эса яна бир мактуб қўлимизга келиб тегди: Поп райони ички ишлар бўлими ходими Абдурахмон Хўжаев 35 ёшга тўлибди. Қутлаймиз!

Пайриқ райони ички ишлар бўлими ёнгиндан муҳофаза қилиш бўлини маси бошлиғи А. Усмоновдан ғалла ўрми-йиғими даврида қандай қилиб ёнгиннинг олдини олиш бўйича мақола олдик. Аммо мактуб кечиккан. Агар бу мақола вақтлроқ келганида, газетамиз саҳифаларини бойитган бўларди.

Бир мактуб иккинчисини инкор қиладиган ҳолатлар ҳам тез-тез учраб туради. Мисол учун Уктамжон Далев Қўқон шаҳрида ўсмирлар иштирокида ўғирликлар кўпайиб бораётгани, милиция эса бунга қарши кескин чоралар кўрмаётгани ҳақида

ёзибди. Олимжон Исоқов эса шаҳарда милициянинг саёй-ҳаракатлари туфайли ўсмирлар ўртасидаги жиноятчилик 20 фоизга камайганини қаламга олган.

Кишини чуқур ўйга толдирадиган мактублар ҳам анчагина. Уларнинг аксарияти муносиб баҳосини олмайётган қотилликлар ҳусусидадир. Уларни ўқир эканмиз, хат ортидаги инсонлар тақдири маълум маънода кўз ўнгингда жонланади.

Хатирчилик Адолат исмли қиз шикоятдан:

«...Бундан олти йил бурун синглим ўзини ўзи осиб қўйди. Бунда мактаб директорининг «Аттестатдаги баҳони ўзинг атайлаб ўзгартиргансан!» — дегани ва шу ҳақда справка ёзиб бергани сабаб. Синглим аттестатига ҳақиқий баҳоларини қўйиб беришмагани учун ўзи ўзгартирган экан. Директор берган қозғондан қўриқиб (роса койган ҳам эканда), уйга келгач, ҳеч кимга айтмай, ўз жонига қасд қилган...»

Худо бир урса, қўшқул-

лаб уради, деганлари шудир эҳтимол. Бу оиланинг кўргулиги кўп экан. Яқинда оталарини машина уриб кетибди. Яна оғир жудалик...

Адолатнинг ёзишча, отасининг қотили ҳозир «жин-нихона»да эмиш.

«...Отам билан ўртоғи йўлнинг четида бўлишган. Икковлари ҳам икки соат ичида ҳаётдан кўз юмишган. Нега энди суд бўлмаяпти, қотил қамалмаяпти? Отам колхозчи эди, шунгами?...

Кўриниб турибдики, Адолат ҳис-ҳаяжонга берилиб фикрляпти. Уни тушуниш керак. Аввал синглисидан, кейин отасидан ажраш — осонмас. Йўгонни чўзиб, ингичкани узиши мумкин, бу бахтсизликлар. Шундай пайтда ҳақиқат тезроқ қарор топиб, айбдор жазога гирифтормас, қуяётган юракка сув сепилгандек бўлар эҳтимол. Акс ҳолда...

«...Сизларнинг газетангизни ўқисам, назаримда ҳамма жиноятчи жазоланаётгандек туюлади», — деб хатини тугаллабди Адолат.

Шу ўринда синглимизга икки оғиз сўзимиз бор: Адолат, ҳозирги вазиятнинг тушунишга ҳаракат қилингиз. Аммо, сиз ҳам ҳис-ҳаяжон доирасидан чиқиб, мулоҳаза қилинг. Суднинг орқага сурилаётгани иш ётқизиляпти, жиноятчи муҳокама қилинмайди, жазосини олмайди, дегани эмас. Дунёда ҳақиқат борлиги, у охир-оқибатда тантана қилиши ҳақ, бунга ишонинг.

Шу ўринда Лутфулла Йўлдошев (ҳайдовчи)нинг жиноий ишнинг кўраётган суд идорасидан (қиз унинг манзилгоҳини ёзмаган, балки Хатирчи райони халқ судидир) жабрдийдаларни ортқича сарсон қилмай, ишнинг тезлатишни сўраймиз.

Яна шундай туркум хатлар борки, улар бизнинг ишимизга бевосита ёрдам беради, газета фаолиятини белгилашда асқотади. Булар — «Постда» ҳақидаги фикр-мулоҳазалардир. Ўқувчининг фикр-мулоҳазаси, фикри ёки таққидига, у хоҳ тўғри бўлсин, хоҳ нотўғри, доимо

муштоқмиз.

«...Авваллари милицияни ёмон кўрардим, — деб ёзибди челақлик Асад Хўжаёров. Ҳар хил миш-мишларга ишонардим-да. Газетангизни ўқий бошладим у янглишганимни тан олдим...»

Тўғри, бундай қарашлар фақат Асад Хўжаёвгагина эмас, балки, айрим бошқа фуқароларга ҳам тегишли бўлган ҳусусият. Эҳтимол, бунга аввалги иш услубидagi камчиликлару тобелли йилларидаги хатоликлар сабабчидир. Энди эса Ўзбекистонимиз мустақилликка эришди. Камчиликларимизни аниқлаб, улардан сабот билан воз кечяпмиз. Газета фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳам шу.

Яна шуни айтиш лозимки, ўқувчи ҳамма вақт ҳам бизни тўғри тушунавермас экан. Ёдингизда бўлса, «Дард... Даво...» деган саҳифа беришни бошлаганмиз.

Яқинда фарғоналик Бахтиёр Мусидиновдан хат олдик. У киши мазкур саҳифамиздан норози. «...Бунақа палла-партиш, юзаки жавобларни эълон қилиш газетга обрў келтирмайди», — дебди.

Ваҳоланки, биз ўша саҳифани ташкил этаётганда тушунтириш бергандик. Мутасаддилар ҳамма жойда ҳам шикоятларга етарлича аҳамият беришмайди, биз бордан келсак, улар тоғдан келишади. Тахририят сўровларига жавоб бердикми-бердик, қабилда иш тутишади. Мақсадимиз ўша пойинтор-сойинтор жавобларга қалам теккизмай ўқувчиларга кўрсатиш ва шу йўл билан жавоб йўллаганларни мулзам қилиш эди.

Юқорида айтганимиздек, хатлар кўп ва ранг-баранг. Уларнинг орасида диққатга моликлари ҳам, шунчаки битилганлари ҳам бор. Биз эса, бундан қатъий назар, мактублар муаллифларига чин дилдан миннатдорчилик билдирамиз. Чунки, булар муштариоларнинг «Постда» чиқишларига бефарқ эмасликларидан далолатдир.

Исмоил ШОМУРОДОВ.

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО...

Уй бекаси Мавлуда Носирхонова тахририятимизга хат йўллаб, турмуш ўртоғи Бахтиёр Носирхонов бир неча йилдан бери Тошкент метрополитенини муҳофаза қилиш бўйича ички ишлар бўлимида ишлашини, аммо турар-жой шароитлари талабга жавоб бермаслигини, бу борада ИИБ раҳбарияти ёрдам бермаётганини айтган, охир-оқибатда бу борада биздан ёрдам сўрагани. Биз бу хатни мазкур ИИБга йўллагандик. Мана, нисоят жавоб ҳам қўлимизга келиб тегди.

«...Ходимимиз, милиция

НАВБАТГА ОЛИНДИ

старшинаси Б. Носирхоновнинг умр йўлдоши Мавлуда-хоннинг Сизларга йўллаган шикоятини ўрганиб чиқдик. Текширув натижасида шу нарсга маълум бўлдики, бу оила Зангиота районидagi Қорасув жамоа хўжалиги ҳудудида — Дадахўжаев кўчасидаги 51-уйда истиқомат қилади. Ойлада 7 киши бўлиб, чиндан ҳам шароит ҳаминқадар, турар-жой майдони 20 квадрат метр ташиқил этади. Аммо на оила бошлиғи, на уй бекаси бу

ҳақда ҳеч қандай ташкилотга мурожаат қилмаган.

Айни пайтда ички ишлар бўлимида бу оилани янги уй-жой билан таъминлаш имкониёти йўқ. Аммо Б. Носирхонов метрополитенда уй олиш учун навбатда турганлар рўйхатига киритилди.

У. БОБОЕРОВ,

Тошкент метрополитенини муҳофаза қилиш бўйича ички ишлар бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция подполковниги.

ФОТОЭТЮД



ТАБИАТ ҚУЙНИДА БИР ДАМ.

ШИКОЯТЧИ БОҒДАН КЕЛСА...

Ҳурматли муҳаррират ходимлари!

Мен оддий бир газетхон сифатида «Постда»да чоп этилаётган мақолаларни мунтазам ўқиб бораман. Агар бошқа нашрлар билан қиёслаганда газетангизнинг ўз ўрни ва йўли борлиги шундоққина кўриниб туради. Ундаги одилликка интилиш, ҳақиқатни бўямай кўрсатиш ва кейинги пайтларда ижобий тавсиф ололмаётган милиция ходимларининг хизмат фаолиятини бор бўйича ёритиш учун қилинаётган саёй-ҳаракатларни ижобий баҳоламоқ керак.

Газета саҳифаларида «Хатларга шарҳ» рўкни остида бир неча мақолалар берилди. Айниқса, кейинги пайтларда «Дард... даво...»

даво...» рўкни ҳам пайдо бўлдики, бу юқоридаги рўкни ўринли равишда тўлдирди десак адашмаймиз. Бу менимча, муҳарриратингизга кўплаб шикоят хатлари келаётганидан бўлса керак.

Бироқ кейинги рўкни билан берилаётган «даво» ва «даво»лар шахсан мени ҳеч қониқтирмапти. Шикоят қилувчи дардига малҳам излаб даво қилса, унга жавоб ёзувчилар ўзларини оқлашдан нарига ўтишмайди. Гоҳида шикоятга ёзилган жавобларнинг телба-тескарилиги хуни-бийронининг чиқариб юборади. Вой тавба, инсон тақдирига ҳам шунчалар бефарқ қарашадими?

Н. ҲАСАНОВА.

Китоб райони.

ТАХРИРИЯТДАН: ҳа, минг афсуски, орамидада шундай кишилар бор ва баъзи жойларда улар юқори лавозимларни эгаллаб туришибди. Начора, бундайлар аввал ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор ва бундан кейин ҳам бўлади. Лекин чумчуқдан қўриқан тарик эолмас, деганлар. Бу борада «Дард... Даво...» рўкни сизу бизнинг умумий мақсадимиз амалга ошишида гоёт қўл келади. Тахририятга тушаётган шикоятлару мутасаддиларнинг жавобларини ўқинг, фикрингизни эса бизга юбораверинг. Биз ана шу мактубларингизни мунтазам бериб боришга ваъда қиламиз ва бепарво тўраларни шу йўл билан сергак тортирамиз.



Айни пайтдаги жиноятчилик оламию унга қарши кураш, осойишталик посбонларининг ютуқ ҳамда камчиликлари, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш соҳасидаги энг янги маълумотлар билан мунтазам танишиб боришни хоҳлайсизми?

Эҳтимол детектив асарлардан намуналар ўқи-моқчи, фан, маданият ва санъатда кўзга кўринган иқтидорли кишилар билан учрашмоқчидирсиз?

Балки корхона, ташкилот, муассасангиз имкони-ятлари-ю хизматларидан бошқаларни огоҳ этишни истарсиз?

МАРҲАМАТ

«Постда»
«На посту»

газеталари эҳтиёжингизни қондиришда Сизга энг яқин кўмакчи бўлади.

Бу нашрларга келгуси йил учун обуна баҳоси—
312 сўм. Индекслари—64615 ва 64616.

Ё, алҳазар!..

КИМЛАРНИНГ АВЛОДИМИЗ?

Замонамдан ўргилайки, юртимизга мустақиллик кириб келди. Нафақат мустақиллик, балки кўзимиз сўқир, кулоқларимиз қар, тилимиз соқов бўлган пайтларда йўқотган қадриятларимиз — динимиз, одобу ҳаё, ифрату назокат, ҳалоллигу тақводорлигимиз қайтиб келди ўзимизга.

Аммо ҳали-ҳануз кўча-кўйларда бир-бирининг пинжиги кириб, «бурун уриштираётганлар» ёки «нон чайнаб» бераётганларга дуч келамиз. Беихтиёр уяту истиҳолдан қизарган юзларимизни тес-кари бурамиз. Ахир бу қип-қизил шармандалик-ку!.. «Эҳ, айни-ган ёшлар!..» — деган фикр кечади ҳаёлимиздан ва ичимизда бошқаларга инсоф тилаб, бу ердан узоқлашамиз.

Яқинда хизмат важидан Янгийер шаҳрига боришимга тўғри келиб қолди. Автобусда йўлга чиқдим. Олдинги ўриндиқдаман. Ҳаёл суриб кетяпман. Ҳайдовчининг шундоқ биқинидаги курсида эса чамаси ўзим тенги йигит.

Шаҳардан чиқаверишда қирқ ёшлар атрофидаги атлас кўйлак-ли аёл кўл-кўтарди. Тўхтадик.

— Ука, сиз орқароққа ўтиб ўтиринг, — деди ёши элликлардан ошиб қолган, аммо ўзига ярашмаган жинси шим кийган ҳайдов-чи ёнидаги йигитга.

Йигит унинг айтганини қилиб, жойни бўшатди.

— Сора, садис сюда! — деди ҳайдовчи бу сафар бояги аёлга бачкана ишшайиб.

— А, бу сизми? — У шундай дея ўзининг таноби қочиб, ҳай-довчига шундай яқин ўтирдик, бошқа ҳамма нарсани унутди: ҳатто орқасидан эргашиб чиққан тўрт-беш ёшли ўғилчасини ҳам. Бошқалар улардан ҳайрат ва нафрат тўла нигоҳларини узмаган ҳолда болани яқинроқ ўриндиққа ўтиришига ёрдамлашиб юбо-ришди.

Яна йўлга тушдик. Аёл ва ҳайдовчи шундай ош-қатиқ бўлиб кетишдики, ҳатто уларнинг овози моторнинг кучли гувиллашидан ҳам устунроқ эди: бепарда сўзлар, уятсиз қочиримлар, андиша-сиз қаҳ-қаҳалар, истамасакда, кулоқларимиз пардаларига зарб билан уриларди. Айниқса ҳайдовчи ўзига жуда эрк бериб юбор-ди: салондаги бир неча ўнлаб жуфт кўзлар ўзига тикилиб тур-ганини унутган; мушукники сингари айёрона йилтиллаган нигоҳ-ларини (аслида бировнинг ташқи кифасини мазахлаш гуноҳи азим, аммо нафрат кучли бўлса на илож) йўлга эмас, суҳбат-дошига қадаган, аҳён-аҳёнда аёлнинг кўлларига беозоргина тур-тиб кўярди.

Бу кетишда автобус йўлдан чиқиб кетиши ва ёки шунга ўх-шаш бирор қор-қол юз бериши мумкинлигини сезиб, уни тар-тибга чақириб кўйишга мажбур бўлдим.

Сездимки, дашномим ҳайдовчидан кўра аёлга кўпроқ ёқмади. Хиёл паст овозда бир нарсалар деб тўнгиллади — эшитолмай қолдим.

— Вой худойим-ей, тўғри гап туққанингга ёқмас эканда, — деди ёнимдаги ўрта ёшлардаги опахон. — Қани энди иложи бўл-саю шунча хотинларни иснод келтиргани учун бўғиб ташласам!

Бир оз жим тургач, яна асабий ҳолатда кўшиб кўйди.

— Қизик, анави (ҳайдовчини назарда тутатгани) ҳар кун бунчалар билан ҳиринглашиб, уйига қайси юз билан бораркин? «Чарчамай ишлаб келдингизми, дадаси!» — деб кутиб олган хотинию «Дадам келдилар!» — деб истиқболига чопиб чиққан болаларининг кўзига қандай қараркин?

Опахонинг гапини фақат мен эшитдим. Эшитдим у нимадир миямга урилиб, бояги аёлнинг тўрт-беш ёшли ўғилчасига қара-дим. Бола бечора гоҳ кайфияти бузилиб хўмрайиб олган онасига, гоҳ яна уни чалғитмоқ ниятида нималардир деб шивирлаб бора-ётган ҳайдовчи «макига» мўлтираб боқарди...

Алп ЭРДОН.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар 204-мактаб томонидан 1992 йилда Ас-қарова Мукамбар номига берилган А № 1042203 рақам-ли тўлиқсиз ўрта маълумот ҳақидаги шаҳодатнома йўқол-ганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ОХИРАТИ ОБОД БУЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳ-барияти, ҳайъати ва барча шахсий таркиби вазир ўрин-босари, ички хизмат полковниги Равшан Ҳайдарович Ҳайдаровга ўғли

РУСТАМЖОННИНГ бевақт ҳалок бўлганлиги муносабати билан чуқур ҳам-дардлик билдиради.

Тошкент шаҳри, Ўзбекистон ИИБ, Р. Ҳ. Ҳайдаровга. Ойлангиз бошига тушган оғир мусибат — ўғлингизни бевақт ҳалок бўлгани муносабати билан таъзиямизни ва ҳамдардчилигимизни қабул этгайсиз.

Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

* Кўчириб босишда «Постда»дан эканлиги-ни кўрсатиш шарт. * Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мум-кин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади. * Муаллифнинг муло-ҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин. * Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ўзбекистон Жумҳурияти «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни босмахонаси. 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 54-37-91, му-ҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул ко-тиб — 59-26-56, мухбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир — Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Г. Лопатин кўчаси, 1.